**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 169 «7» март 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

а) Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган умумий сони 55 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-4-иловаларига мувофиқ;

Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлимлари бошқармаларининг чекланган сони 6-иловага мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда, тоифаланган шаҳарлар – вилоят марказлари, туман (шаҳар)лар рўйхати 7-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларни шакллантириш учун спортчиларни саралаш фаолиятини ташкил этиш схемаси 8-иловага мувофиқ

<u>ЛОЙИҲА</u>

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3583-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

а) Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган умумий сони 55 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-4-иловаларига мувофиқ;

Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлимлари бошқармаларининг чекланган сони 6-иловага мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда, тоифаланган шаҳарлар – вилоят марказлари, туман (шаҳар)лар рўйхати 7-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларни шакллантириш учун спортчиларни саралаш фаолиятини ташкил этиш схемаси 8-иловага мувофиқ

тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирига, зарур ҳолларда, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг тасдиқланган ташкилий тузилмасига белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилганлиги;.

б). Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириши, унинг ҳуқукий ваколатларини доирасида қабул қилинадиган қарорлари жойлардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро учун мажбурий ҳисобланиши;

- туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг штат миқдори, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, туманлар (шаҳарлар)нинг вилоятлар ва Тошкент шаҳри жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича бош мутахассислари сони қисқариши ҳисобига шакллантирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги республика ҳудудида давлат спорт объектлари қурилишининг мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг самарали фойдаланишини мониторинг қилиш тўғрисида эксперт хулосаси берилишини амалга оширилиши;

в) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қошидаги жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгиланганлиги:

ҳайрия ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар, жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ўтказилган ҳомийлик ўтказмалари;

9-иловага мувофиқ 2018 йил 1 июндан киритиладиган йиғимлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб, тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтказиш ва рухсатномалар бериш, шунингдек, жисмоний-соғломлаштириш ва спорт иншоотларини паспортлаштириш ҳисобидан тушадиган маблағларнинг бир қисми;

қонунчиликда ман қилинмаган бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш, унинг фойда ва сарф-харажатлари параметрларини, жумладан, болалар спорти объектларини қуриш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларини молиялаштиришнинг аниқ манбаларини белгилаб берган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш топширилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси билан биргаликда 2018 йил 10 апрелга қадар ўрнатилган тартибда Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Жамғармасига пул ўтказиш ва йиғимлар тўловини амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши;

Жисмоний тарбия ва спорт жамғармасига 2018 йил бошига қадар республика бюджетининг сарфланмай қолган эркин муомиладаги маблағлари ҳисобидан 20 млрд. сўм ажратилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

икки ой муддатда пойтахт минтақасида “Спорт” эркин иқтисодий ҳудуд яратиши, ҳудуд чегаралари ва ушбу ҳудудда амалга ошириш учун лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини аниқлаган ҳолда, унинг фаолиятини ташкил этиши, шунингдек, дирекция ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириши;

“Спорт” эркин иқтисодий ҳудудида жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда, спорт кийимлари, жиҳозлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича замонавий корхоналар қуриш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиши;

“Спорт” эркин иқтисодий ҳудуднинг фаолият юритиш муддати келгусида уни узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил этади.

д) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тижорат банклари билан биргаликда “Спорт” эркин иқтисодий ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун грантлар, кредит йўналишлари ва инвестициялар, халқаро молия институтлари, хорижий банклар ва бошқа инвесторлар – юридик ҳамда жисмоний шахслар (шу билан бирга хорижий инвесторлар), давлат ва нодавлат жамғармалар, корхоналар ва ташкилотларнинг беғараз ёрдамининг жалб қилинишини таъминлаши;

е) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари икки ой муддатда махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини оптималлаштириш натижасида бўшатиладиган бинолар ва иншоотлар, жиҳозлар ва ускуналарнинг бир қисмининг Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлимлари балансига ўтказилишини таъминлаш белгиланганлиги;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган спорт ва оммавий тадбирларнинг ҳудудий, туман (шаҳар) календарь режаларининг ҳар йили тасдиқланишини, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт ҳамда оммавий тадбирларнинг ташкил этилиши ҳамда доимий асосда ўтказилишини таъминлаши;

з) Архитектура ва қурилиш давлат қўмитасига, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда жисмоний-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари учун амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қайта кўриб чиқсин, уларнинг ушбу иншоотларга қўйиладиган замонавий талаблар ҳамда меъёрларга мослаштирилишини, жумладан, ногиронлиги мавжуд шахслар учун қулайликлар таъминлаши.

и) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини моддий таъминлаш ва моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш учун маблағлар ажратилишини назарда тутиш топширилганлиги;

й) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига, Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигига, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига, Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигига:

умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари ва турнирларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ҳамда кенг ёритиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қошидаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш Жамғармасига хайрия ёрдамини кўрсатаётган ташкилотлар иштирокида ижтимоий роликларни яратиш орқали оммавий спорт турларини оммавийлаштиришга кўмаклашиш топширилганлиги;

к) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги икки ой муддатда:

Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда умумтаълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари спорт жамоалари ўртасида (спорт турлари бўйича) ушбу муассасалар, туман(шаҳар)лар, вилоятлар ва республика миқёсида оммавий спорт тадбирларини ўтказиш тартибини тасдиқлаши;

Молия вазирлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда тизим ташкилотларига бириктириладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган хизмат енгил автомобилларнинг чекланган умумий миқдорини тасдиқлаш тўғрисида таклифлар киритиши;

Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу қароридан келиб чиқадиган тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

м) Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги қуйидаги манзил бўйича жойлаштирилиши: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уй.

н) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддат ичида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудий бўлинмаларининг жойлашувини, уларнинг мебель, компьютер техникаси, алоқа ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозланишини таъминлаши;

л) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2779-сонли “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Нукус шаҳри ва туманлар жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Нукус шаҳри ва туманлар бўлимларининг чекланган сони 3-иловага мувофиқ;

Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда, тоифаланган Нукус шаҳри ва туманлар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаларни шакллантириш учун спортчиларни саралаш фаолиятини ташкил этиш схемаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини оптималлаштириш натижасида бўшатиладиган бинолар ва иншоотлар, жиҳозлар ва ускуналарнинг бир қисмининг Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ва унинг ҳудудий бўлимлари балансига ўтказилиши бўйича Вазирлар Кенгашига таклиф киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджети параметрларини шакллантиришда Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини моддий таъминлаш ва моддий-техник жиҳатдан жиҳозлаш учун маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддат ичида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ва унинг ҳудудий бўлимларининг жойлашувини, уларнинг мебель, компьютер техникаси, алоқа ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозланишини таъминлаш бўйича Вазирлар Кенгашига таклифлар киритсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган спорт ва оммавий тадбирларнинг календарь режаларини ҳар йили тасдиқлаш, шунингдек, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида спорт ҳамда оммавий тадбирларнинг ташкил этилиши ҳамда доимий асосда ўтказилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига таклифлар киритсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари (М.Жуманов) Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси балансидаги мол-мулкларни Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги балансига ўтказишни таъминласин.

9. Қорқалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2017 йил 23 февралдаги 103-сонли “Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний

тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги 2 ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа да тегишли вазирлик ва бошқармалар ушбу қарордан келиб чиқиб ўзларининг қабул қилган ҳуқуқий норматив ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Жуманов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси — К.Сариев

UMUMIY BO'LIM
ULUWMA BO'LIM

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил ______мартдаги
________-сонли қарорига
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг**
**ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимларининг чекланган
умумий сони – 14 нафар

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил ______мартдаги
________-сонли қарорига
3-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва унинг Нукус шаҳар ва туманлар бўлимлари бошқарув ходимларининг ЧЕКЛАНГАН СОНИ

| т/р | Ҳудудлар | жумладан: | |
|---|---|---|---|
| | | Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги | Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 14 | |
| 2. | Нукус шаҳри | | 4 |
| 3. | Қўнғирот тумани | | 4 |
| 4. | Хўжайли тумани | | 4 |
| 5. | Беруний тумани | | 4 |
| 6. | Чимбой тумани | | 4 |
| 7. | Элликқалъа тумани | | 4 |
| 8. | Тўрткўл тумани | | 4 |
| 9. | Амударё тумани | | 4 |
| 10. | Шуманой тумани | | 3 |
| 11. | Қонликўл тумани | | 3 |
| 12. | Кегейли тумани | | 3 |
| 13. | Мўйноқ тумани | | 3 |
| 14. | Қораўзақ тумани | | 3 |
| 15. | Тахтакўпир тумани | | 3 |
| 16. | Нукус тумани | | 3 |
| 17. | Тахиотош тумани | | 3 |
| **Жами:** | | **14** | **56** |

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил ______мартдаги
________-сонли қарорига
2-илова

## Нукус шаҳри ва туманлар жисмоний тарбия ва спорт бўлимларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ




Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони – **3-4** нафар.

***** ушбу қарорнинг 4-иловасига мувофиқ 1-тоифали туман (шаҳар)ларда Оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор лавозими назарда тутилган.

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил ______мартдаги
________-сонли қарорига
4-илова

## Жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ходимларининг чекланган сонидан келиб чиққан ҳолда, тоифаланган туман (шаҳар)лар РЎЙХАТИ

| № | Ҳудудлар | Туманлар ва шаҳарлар | |
|---|---|---|---|
| | | 1-тоифа | 2-тоифа |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | Нукус шаҳри<br>Қўнғирот тумани<br>Хўжайли тумани<br>Беруний тумани<br>Тўрткўл тумани<br>Чимбой тумани<br>Элликқалъа тумани<br>Амударё тумани | Шуманай тумани<br>Қонликўл тумани<br>Кегейли тумани<br>Мўйноқ тумани<br>Қораўзақ тумани<br>Тахтакўпир тумани<br>Нукус тумани<br>Тахиатош тумани |
| **Жами** | | **32** | **24** |

**1-тоифа** – 4 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ – 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор – 1, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор – 1, бош бухгалтер – 1);

**2-тоифа** – 3 нафар штат бирлиги сони белгиланади (бошлиқ – 1, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор – 1, бош бухгалтер – 1);

**Жами:** 56 штат бирлиги (бошлиқ – 16 нафар, спортни ривожлантириш ва саралаш (селекция) бўйича бош инспектор – 8 нафар, оммавий спортни ривожлантириш ва жисмоний тарбия-спорт тадбирларини ташкиллаштириш бўйича бош инспектор – 16 нафар, бош бухгалтер – 16 нафар).

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил ______мартдаги
________-сонли қарорига
5-илова

## Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш учун спортчиларни саралаш фаолиятини ташкил этиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддат |
|---|---|---|---|
| **I босқич** | **Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | Туман (шаҳарда) иқтидорли ёшларни **саралаш (селекция) ишларини ташкиллаштириш** | Йил давомида |
| | | Спорт тадбирларининг туман босқичи ғолиб ва совриндорларини **спорт тадбирларининг ҳудудий босқичларида иштирок этиш** учун йўналтириш | Туман (шаҳар) мусобақаларининг якуний натижаларига мувофиқ |
| **II босқич** | **Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | **Вазирлик ва идоралар**, жамоат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятларининг ҳудудий бўлинмалар билан ишларни ташкиллаштириш | Йил давомида |
| | | Ҳудудий календарь режани амалга ошириш бўйича **спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичларини ўтказиш** ва иқтидорли ёш спортчиларни саралаш (селекция) | Ҳудудий мусобақалар натижаларига мувофиқ |
| **III босқич** | **Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | Ҳудудий мусобақалар ғолиб ва совриндор спортчилари сафидан **ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия захиралари мактаб-интернатларини** бутлаш ишларини ташкиллаштириш | Ўқув йили бошида |
| **IV босқич** | **Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** | Спорт турлари бўйича **Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари таркибини шакллантириш**, спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларини республика босқичига йўналтириш | Январь |
| **V босқич** | **Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги** | Спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар идоравий жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, вазирликлар ва ташкилотлар билан спорт тадбирларини ташкиллаштириш | Йил давомида |
| | | Қорақалпоғистон Республикаси календарь режасини амалга ошириш бўйича **спорт мусобақаларининг республика босқичларини ўтказиш** ва иқтидорли ёш спортчиларни саралаш (селекция) | Қорақалпоғистон Республика мусобақалари натижаларига мувофиқ |